

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ВА АНДИЖОН  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ТОШКЕНТ ШОЛИ, ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР  
ИЛМИЙ -ТАЖРИБА СТАНЦИЯСИ**

**ОТАМИРЗАЕВ НОДИРБЕК ҒОФУРЖОНОВИЧ**

**ШОЛИНИНГ АСОСИЙ ЗАРАРКУНАНДАЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШ  
УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on agricultural sciences**

**Отамирзаев Нодирбек Гофуржонович**

Шолининг асосий зараркундаларига қарши кураш

усулларини такомиллаштириш..... 3

**Отамирзаев Нодирбек Гофуржонович**

Совершенствование методов борьбы против основных

вредителей посевов риса..... 21

**Otamirzaev Nodirbek G'ofurjonovich**

Improvement of methods for protecting rice

from main pests..... 37

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 40

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ВА АНДИЖОН  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ – ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ТОШКЕНТ ШОЛИ, ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР  
ИЛМИЙ – ТАЖРИБА СТАНЦИЯСИ**

**ОТАМИРЗАЕВ НОДИРБЕК ҒОФУРЖОНОВИЧ**

**ШОЛИНИНГ АСОСИЙ ЗАРАРКУНАНДАЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШ  
УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Қишлоқ хўжалик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Qx53 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти, Тошкент шоли, дон ва дуккакли экинлар илмий- тажриба станциясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг ([www.agrar.uz](http://www.agrar.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Махмудхўжаев Нажмиддин Мавлянхўжаевич**  
биология фанлари доктори, профессор.

**Расмий оппонентлар:** **Хўжаев Шомил Турсунович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

**Нурмухамедов Дилмурод Набиевич**  
биология фанлари номзоди, доцент.

**Етакчи ташкилот:** **Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти.**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ва Андижон қишлоқ хўжалиги институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «31» май соат 13<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz) Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1 қават анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (535225 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси 2, Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (99871) 260-50-43.

Диссертация автореферати 2018 йил «18» май куни тарқатилди.  
(2018 йил «5» майдаги 20 рақамли реестр баённомаси).

**Б.А.Сулаймонов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., академик.

**Я.Х. Юлдашов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, қ.х.ф.н., доцент.

**М.М.Адилов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, қ.х.ф.д.

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Шоли энг муҳим озуқа экини бўлиб, жаҳон деҳқончилигида экиладиган майдони жихатидан иккинчи ўринда, ҳосилдорлиги бўйича эса донли экинлар орасида биринчи ўринни эгаллайди. ФАО<sup>1</sup> маълумотларига қараганда, дунё бўйича 2016 йилда 751,9 млн/тонна шоли ҳосили етиштирилган. Жумладан, Осиёда– 680,1 млн. тонна, Хитойда – 208,5 млн. т, Ҳиндистонда – 163,3 млн. т, Индонезияда – 72,7 млн. т, Бангладешда – 52,6 млн. т, Вьетнамда – 43,6 млн. т, Таиландда – 32,6 млн. т, Японияда – 10,7 млн. т, Шри-Ланкада – 4,4 млн. т шоли ҳосили олинган. Республикамизда ҳар йили ўртача 75– 85 минг гектар майдонда шоли экилиб, 320–325 минг тонна ҳосил йиғиштириб олинади.

Бугунги кунда дунё кишлоқ хўжалиги тармоғи бўлган шолчилик соҳасини ривожлантиришга қаратилган тадбирлар натижасида, шоли етиштирувчи етакчи давлатлар Хитой, Ҳиндистон, Вьетнам, Индонезия, Япония ва Кореялик олимлар томонидан ҳосилдорликни ошириш, дон сифатини яхшилаш, шоли зараркунандаларининг тур таркиби, уларнинг биоэкологик хусусиятлари, зарарлилик даражасини аниқлаш ва уларга қарши курашнинг истиқболли усулларини яратиш каби устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда шолига зарар етказадиган зарарли организмларга қарши курашиш ва уларнинг олдини олиш чораларининг ва уйғунлашган ҳимоя қилиш тизимини ишлаб чиқиш масалалари долзарб ҳисобланади.

Республикамизда кишлоқ хўжалигини модернизация қилиш бўйича кенг ислохотлар олиб борилиб, шоли экин майдонларини кенгайтирмасдан ҳосилдорликни сақлаб қолиш долзарблигича қолмоқда. Шолининг янги серҳосил, зарарли организмларга нисбатан чидамли навларини яратиш ва етиштириш бўйича республикамизда кенг қамровли назарий ва амалий тадқиқотлар олиб борилди ва бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Вегетация даври давомида зараркунандалар шолига катта зарар етказади. Айниқса, шоли униб чиқиш даврида қалқонли қисқичбақа (*Apus concoloriformis* Sh.) нинг зарари катта бўлиб у ёш майсаларни илдизини кемириб сув бетига чиқариб юборади. Бунинг оқибатида ёш майсалар нобуд бўлади ва шоли ўсимлигининг кўчат қалинлигига ҳамда унинг ҳосилдорлигига катта зарар етказади. Сўнги йилларда шолининг найчалаш даврининг охири ҳамда рўваклаш даврларида пучгул трипси (*Naplotrips aculeatus* Fabr.) нинг ҳам зарари ошиб бораётгани кузатилмоқда. Шолининг янги яратилган навларида уларнинг турли ривожланиш фазаларида зарар келтирувчи зараркунандаларни ва зарарини аниқлаб, уларга қарши уйғунлашган кураш чора-тадбирларини такомиллаштириш давр талаби бўлиб қолмоқда. Мамлакатимизни ривожлантиришни 2017–2021 йилларга мўжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш

---

<sup>1</sup> <http://www.fao.ru>

чораларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш» бўйича амалга оширилиши лозим бўлган қатор йўналишлар белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3281-сонли «2018 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш чора-тадбирлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмлари тўғрисида» ги қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширилишига ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сўнгги пайтларда зараркунандаларига қарши курашишнинг янги принциплари, технологиялари ва стратегиялари ишлаб чиқилган. Булардан бири Хитойда кенг тан олинган « яшил ўсимликларни ҳимоя қилиш» технологиясидир. Бу технология бўйича шולי зараркунандаларига қарши кимёвий бўлмаган усул ва воситалар ёрдамида амалга оширилади. Бу усул ҳозирча аҳамиятли бўлмаган кичик майдонларда қўлланилмоқда.

Мамлакатимизнинг тупроқ-иқлим шароитларида XX асрнинг 30–90 йилларида шולי ўсимлигига зарар келтирувчи зараркунандалар ҳамда уларга қарши кураш (агротехник, биологик, кимёвий) устида тадқиқотлар олиб борилган [В.П. Шагаев, В.С. Чувахин, В.В Яхонтов, М.П Сборщикова, А.А Шокиров].

Ҳозирги даврда глобал иқлим ўзгариши, ғалла майдонларини кенгайтирилиши, фермер хўжалиқларининг ташкил этилиши, экинлар структурасининг кескин ўзгариши, 30 дан ортиқ қишлоқ хўжалиқ экинларини анғизга такрорий экин сифатида экилиши мавжуд экологик ҳолатнинг тубдан ўзгаришига, йил давомида қишлоқ хўжалиқ экинлари, жумладан шолида зарарли организмларни кўпайишига олиб келди. Шолининг янги серҳосил ўрта ва кечпишар навларининг яратилиши ҳамда шолিপояларни асосан олдиндан сув бостириб, уруғи ивитиб экилиши униб чиқиш ҳамда бошқа фазаларида зараркунандалардан: қалқонли қисқичбақа ва пучгул трипси кўпайишига қулай шароит яратиб берди. Кўп қиррали тадқиқотлар асосида уларга қарши замонавий усул (агротехник, кимёвий) ва турли воситалар ёрдамида янги такомиллаштирилган кураш тизимини амалиётга жорий этиш талаб этилади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Шолчилик илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ҚХА-9-047 «Шолининг асосий зараркунанда ва касалликларини биоэкологияси, зарар келтириш вақтлари ҳамда қарши кураш муддатларини аниқлаш ҳамда уларга қарши кураш тизимини

модернизациялаш» (2012–2014 йй.), ҚХА-9-083-2015+ҚХА-9-084-2015 «Шоли ва соя экинларини бегона ўт, зараркунанда, касалликларга чидамлилигини ўрганиш ҳамда уларга қарши комплекс курашиш тизимини такомиллаштириш» (2015–2017 йй.) лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** шоли агробиоценозида яшовчи зараркунандалар тур таркибини аниқлаш, уларни ривожланиш динамикаси, шолига зарар келтириш даражаси ва иқтисодий зарар миқдор мезонини ўрганиш асосида уларга қарши замонавий восита ва усулларни қўллаган ҳолда умумий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

шолининг униб чиқиш даврида ҳамда ривожланиш фазаларида зарар келтирувчи зараркунандалар тур таркибини аниқлаш;

шолига зиён келтирувчи зараркунандаларнинг ривожланиш динамикасини аниқлаш;

зараркунандаларнинг зарар келтириш даражаси ва иқтисодий зарарли миқдор мезонини аниқлаш;

шоли майдонидаги табиий энтомофагларни таҳлил қилиш;

шоли зараркунандаларига қарши айрим агротехник тадбирларнинг аҳамиятига баҳо бериш;

шоли зараркунандаларига қарши самарали инсектицидларни танлаб тавсия қилиш;

тавсия этилган янги кимёвий воситаларнинг биологик, хўжалик ҳамда иқтисодий самарадорлигини аниқлаб амалий тавсиялар бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** шоли ва унинг навларини зараркунандалардан химоя қилиш сифатида олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** шолининг зараркунанда ва энтомофаглари, зараркунандаларга қарши ишлатиладиган усул ва воситалар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Зарарли ҳашаротларнинг миқдори ҳамда агротоксикологик тадқиқотлар Ш.Т.Хўжаев таҳрири остида нашр этилган «Инсектицид, акарицид, биологик фаол моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар» ҳамда А.А.Шокиров ва б., А.И.Касьянов услублари асосида бажарилди. Биологик самарадорлик В. Аббот формуласи ёрдамида ҳисоблаб чиқарилди. Олинган натижалар дисперсион анализ қилиниб, энг кичик фарқи (ЭКФ) Б. Доспехов услуби бўйича аниқланган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

шоли агробиоценозида яшовчи зараркунандалар тур таркиби аниқланган;

шоли экилган майдонларда сезиларли зиён келтираётган зараркунандаларнинг мавсумий ривожланиш динамикаси аниқланган;

зараркунандаларнинг ривожланиш фенокалендари ишлаб чиқилган ва унинг зарарли миқдор мезони аниқланган;

зараркунандаларга замонавий восита ва усулларни (агротехник, кимёвий) қўллаш асосида химоя қилиш тизими такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

шоли агробιοοценозидаги зарар келтирувчи зараркунандалар ҳамда уларнинг табиий энтомофаглари тахлил этилган;

шолини соя билан алмашлаб экиш тавсия этилган;

шолини уруғини экишдан аввал Далучо, 70% н.кук. уруғдориллагичи билан (1 тонна уруққа 5 кг+15 литр сув) дорилаб экиш тавсия этилган;

шолининг униб чиқиш фазасида катта зарар келтирувчи қалқонли қисқичбақага қарши кимёвий воситалардан: Циперфос, 55% эм.к 1,0 л/га ҳамда Каратэ, 5% эм.к. 0,5 л/га тавсия этилган;

шоли найчалаш даврининг охири ва рўваклаш даврида пучгул трипсидан ҳимоя қилиш учун (июл–август) Каратэ, 5% эм.к (0,15 л/га) ишлатилса юқори самара олиниши аниқланган;

шолининг униб чиқиш даврида зиён келтирувчи қалқонли қисқичбақа (*Apus concriformis* Sh.) ҳамда пучгул трипс (*Haplotrips aculeatus* Fabr.) ларини мавсумий ривожланишини акс эттирувчи фенокалендарь тузилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** тадқиқотлар давлат техник лойиҳалари доирасида ўтказиладиган мавсумий апробациялардан ўтказилганлиги, тадқиқотларнинг тўғри услублар асосида олиб борилганлиги ҳамда натижалар математик-статистик ишлов берилганлиги билан ҳамда тадқиқотларда кичик ва катта дала тажрибаларида кетма-кет бир-бирини тасдиқлайдиган натижалар олинганлиги билан; натижаларнинг етакчи мутахассислар, ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги ҳамда изланиш натижалари ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан; олинган натижаларни республика ва халқаро миқёсидаги илмий анжуманларда муҳокама қилинганлиги ва чоп этилганлиги билан исботланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шолидаги асосий зараркунандалар турларини ўрганганлиги билан; уларнинг тарқалиши, зарари ва (агротехник, кимёвий) кураш усулларини такомиллаштиришдан иборат иқтисодий зарарли мезони яратилиши билан; энтомофагларнинг тури ва аҳамияти ўрганганлиги билан ифодаланади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти, шолининг униб чиқиш даврида зиён келтирувчи қалқонли қисқичбақага ва найчалаш охири-рўваклаш даврида зарар келтирувчи пучгул трипсига қарши курашиш бўйича қатор агротехник тадбирлар ҳамда самарали инсектицидлар танланиб, уларни ишлатиш регламентлари белгиланган. Кимёвий воситаларни қўллаш туфайли зараркунандалар нобуд қилиниб, биологик самарадорлик 91,9–94,0 фоизни ташкил этиб, гектаридан 15,0–29,3 фоизгача ҳосилни сақлаб қолишдан иборат.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Шолининг асосий зараркунандаларига қарши кураш усулларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

шоли агробιοοценозидаги зараркунандаларга қарши уруғни Далучо, 70% н.кук (5 кг/т) билан дорилаб экиш; қалқонли қисқичбақага қарши эса Циперфос, 55% эм.к (1,0 л/га) ҳамда Каратэ, 5% эм.к (0,5 л/га) кимёвий воситалари Ўртачирчиқ туманидаги Тошкент шоли, дон ва дуккакли экинлар

илмий тажриба станциясига қарашли жами 102,5 гектар майдонга жорий этиган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 16 февралдаги 02/21-109-сон маълумотномаси). Натижада Циперфос (1,0 л/га) қўлланилган майдонда ишловнинг 14 куни самарадорлик 94,0 фоизни ташкил этиб, гектаридан 68,0 центнер, Каратэ, 5% эм.к (0,5 л/га) кимёвий воситаси қўлланилган майдонда гектаридан 68,4 центнер ҳосил олинган ва инсектицидларни қўллаш ҳисобига гектаридан 14,3-14,7-центнер қўшимча ҳосил олишга эришилган;

шолидаги зараркунандаларга қарши кураш тадбирлари Қуйичирчиқ тумани шоликор фермер хўжаликларида 56,0 гектар ва Бекобод туманида 54,0 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 16 февралдаги 02/21-109-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида гектаридан қўшимча 9,8-18,0 центнер шоли ҳосили олишга эришилган;

шолини зараркунандалардан химоя қилиш учун Далучо, Циперфос ва Каратэ инсектицидлари Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида ишлатиш учун рухсат этилган пестицидлар ва агрохимикатлар «Рўйхати» га киритишга топширилган (Кимёлаштириш ва ўсимликларни химоя қилиш воситалари Давлат кимё комиссиясининг 2018 йил 23 январдаги 2-5-12-сон маълумотномаси). Натижада Далучо, Циперфос ва Каратэ препаратлари кимёвий воситалари юқори самара бериши аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация доирасидаги илмий иш натижалари якуний ҳисоботлар шаклида ҳар йили Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази ва Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти, Тошкент шоли, дон ва дуккакли экинлар илмий тажриба станцияси томонидан тузилган апробация комиссиялари томонидан текширувлардан ўтказилиб илмий кенгашларда муҳокама этилган. Диссертация доирасида олиб борилган илмий тадқиқот ишларининг натижалари асосида 5 та Республика ва ҳалқаро илмий-амалий конференцияларда маъруза қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та мақола чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестацияси комиссиясининг диссертациялар илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий журналларда 4 мақола (жумладан, 1 таси хорижий), 5 та мақола илмий-амалий конференциялар материалларида (жумладан, 4 таси республикада, 1 таси Россияда ўтказилган ҳалқаро конференцияларда) нашр этилган. Битта амалий тавсиянома чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Шоли етиштиришда зараркунандаларнинг аҳамияти ва уларга қарши курашнинг аҳволи**» номли биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича шоли агробиоценозида учрайдиган зараркунандаларнинг турлари, уларнинг зарари ҳамда уларга қарши мавжуд кураш усул ва воситалари ҳақида адабиётлар таҳлили келтирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ўтказилган жой ва қўлланилган услублар**» деб номланган иккинчи бобида тажриба ўтказилган жойларнинг тупроқ-иқлим шароитлари ва тадқиқот усуллари баён этилган. Тадқиқотлар Тошкент вилояти Ўртачирчиқ туманида жойлашган Тошкент шоли, дон ва дуккакли экинлар илмий-тажриба станцияси тажриба даласида, йўналишли кузатувлар эса Тошкент вилоятининг шоли экиладиган туманларидаги шоличилик фермер хўжаликлари шоли майдонларида ўтказилди. Тадқиқотларни ўтказиш (2009–2017 йй.) даврида об-ҳаво бўйича «Туябўғиз» метеорологик станцияси маълумотларидан фойдаланилди. Агротоксикологик тадқиқотларни ўтказишда Ш.Т. Хўжаев таҳрири остида нашр этилган “Услубий кўрсатмалар” дан фойдаланилди. Зарарли ҳашаротларнинг миқдори А.И.Касьянов, А.А.Шокиров ва б., услублари асосида бажарилди. Олинган маълумотлар Б.А.Доспеховнинг услубий қўлланмаси асосида математик таҳлил қилинди.

Диссертациянинг «**Шоли экосистемасида яшайдиган бўғиноёқли ҳашаротларнинг эколого-фаунистик таҳлили**» деб номланган учинчи бобида тадқиқот ўтказилган йилларда шоли агробиоценозида ҳаёт кечирадиган асосий зараркунандалар ҳамда табиий энтомофаглар таҳлил қилинган. Улар асосан шоланинг майсалик даврида унинг вегетатив ва генератив аъзоларини шикастлайдиган зараркунандалар бор. Шоли ўсимлигига мавсум мобайнида зарар етказадиган зараркунандаларнинг 10 та тури аниқланиб, улар 2-синф (ҳашаротлар ва қисқибакасимонлилар), 7–туркум ва 8 оилага мансубдир. (1-жадвал). Асосий турлар *Apus concriformis* Sh. ҳамда *Naplotrips aculeatus* Fabr. лар шолига бошқа зараркунандаларга нисбатан кучлироқ зарар келтириши аниқланди. Шоли агробиоценозида тарқалган табиий энтомофагларга қуйидагилар киради: ниначилар; кокцинеллидлар – қаттиқ қанотлилар (*Coleoptera*) туркумининг, хонқизи (*Coccinellidae*) оиласига; олтинкўзлар – тўрқанотлилар (*Neuroptera*) туркумига, олтинкўз (*Chrysopidae*) оиласига; бешиктебратар (*Mantoptera*) туркумига, бешиктебратар (*Mantodea*) оиласига мансуб ҳашаротлардир.

Табиий кушандаларнинг пайдо бўлиши ўртача кунлик ҳаво ҳарорати +12–+14 °С дан ошганида кузатила бошлайди.

### 1-жадвал

#### Шоли агробиоценозидаги зараркундаларнинг тур таркиби ва зарар келтириш даражаси. (Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани, ЎзШТИ 2009–2011)

№	Зараркундаларнинг номи	Тури	Шолининг ривожланиш давлари			
			Униб чиқиш	Майсалаш	Тупланиш	Рўваклаш
1.	Шолипоя сув узунбуруни	( <i>Hydronomus sinuaticollis</i> Faust.)	++	++	-	-
2.	Қирғоқ чивини	( <i>Ephydra macellaria</i> Egger.)	++	++	++	+
3.	Қалқонли қисқичбақа	( <i>Apus concriformis</i> Schaff.)	+++	+++	+	-
4.	Боковлав қисқичбақа	( <i>Leptestheria dahalacensis</i> Sars)	++	++	+	-
5.	Арпа минёри	( <i>Hydrellia griseola</i> Fall.)	+	++	+	+
6.	Қуйруқли бузукбоши	( <i>Gryllotalpa unispina</i> Saus.)	+	+	++	++
7.	Шира	( <i>Shiraphis gramina</i> Rond.)	-	-	+	+
8.	Пучгул трипси	( <i>Haplotrips aculeatus</i> Fabr.)	+	++	++	+++
9.	Шоли чигирткаси	( <i>Exya fuscvoitata</i> Marsch.)	+	+	++	+
10.	Маккажўхори парвонаси	( <i>Ostrinia nubilalis</i> Hb.)	-	+	+	+

Кокцинеллидларнинг зичлиги 2009–2016 йилларда 10 та ўсимликда 0,2–2,0 гача, олтинкўзлар – 0,2–5,0 гача, ниначининг личинкалари – 1,0–8,0 тагача, бешиктебратарлар эса 0,1–0,2 тагача бўлган. Барча фойдали ҳашаротларни сонини кўпайиши асосан май –июнь ойларида кузатилади. Шу ойларда кокцинеллидларнинг сони 10 та ўсимликда 0,4–2,0 тагача, олтинкўзлар 1,2–5,0 тагача бўлганлиги кузатилди.

Диссертациянинг «Шолининг асосий зараркундалари биоэкологияси» деб номланган тўртинчи бобида шоли агробиоценозида катта зарар келтираётган асосий зараркундалардан, яъни қалқонли қисқичбақанинг – *Apus concriformis* Sh., биоэкологияси ўрганилди. Шу кунгача бу зараркундани қандай ҳаёт кечириши яхши текширилган эмас. Қалқонли қисқичбақа *Crustacea* синфи, *Phyllapoda* туркуми, *Arpedeae* оиласи *Apus concriformis* Sh., турига мансубдир. Олиб борилган кузатувларда, у шоли майсаларини еб зиён етказди. Кундузи, ҳаво ҳарорати ўртача +22,4–22,9°С даражага етганида тез ҳаракатланиб, шоли илдизларини узиб юбориши билан ўсимликларга зарар етказди. Шикастланган ниҳоллар сув бетига қалқиб чиқиб нобуд бўлади.

**Қалқонли қисқичбақанинг фенологик календари  
Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани ТШДЭИТС (2009-2017 йй.)**

Шолининг ривожланиш давлари ва ҳаво ҳарорати	Шоли ўсимлигининг ўсув даври ҳамда қалқонли қисқичбақанинг ривожланиш шакл ва давлари																							
	апрел			май			июн			июл			август			сентябр			октябр					
	І	ІІ	ІІІ	І	ІІ	ІІІ	І	ІІ	ІІІ	І	ІІ	ІІІ	І	ІІ	ІІІ	І	ІІ	ІІІ	І	ІІ	ІІІ			
уруғнинг униши	(О)	(О)	(О)	О	*	*	*	*	*															
майсалаш					↕	↕	↕	↕	↕	О	О	О												
тупланиш																								
найчалаш																								
рўвақлаш																								
сут пишиш																								
мум пишиш																								
тўлиқ пишиш																								
2009–2017 йиллар ўртача ҳаво ҳарорати °С	16,5			22,5			26,9			28,2			26,7			22,1			14,8					

изоҳ; О – қисқичбақанинг туҳуми, (О) – диплоаузадаги туҳуми, — - личинкаси, \* - етук зоти.

Бу зараркунандадан кеч экилган шоли кўпроқ зиён кўради. Қалқонли қисқичбақа оқмайдиган ёки секин оқадиган сувларда ўзини яхши хис қилади ва тез кўпаяди. Унинг ҳаракати кечкурун суствлашади, аммо куннинг иккинчи ярмида жуда фаол ҳаракат қилади. Қалқонли қисқичбақанинг урғочи зоти июн ойининг ярмида тупроқ орасига тўп-тўп қилиб 100 тагача тухум кўяди. Тухумлари сув қуригач, бир неча ой давомида тупроқ орасида қишлаб қолади. Маълумотларимизга қараганда, қалқонли қисқичбақа ҳаво ҳарорати ўртача +14 °С дан ошганида шопипоя майдонларида ривожлана бошлайди ҳамда май ойининг II декадаси ва июн ойининг I декадаларида ўртача ҳаво ҳарорати +23,4—+29,7°С етганида униб чиққан шоли ниҳолларига зарар етказа бошлайди.

Зараркунанданинг шоли экилган майдонларда мавсумий ҳамда йил давомида ривожланиши 2-жадвалда келтирилган. У ердан кўришиб турганидек, зараркунанда йилнинг 7 ойи давомида тупроқ орасида диапаузага кирган тухумлик даврида қишлаб чиқади. Май ойида етарли шароит пайдо бўлиши билан, тухум ичида ривожланиш бошланади ва, кўп ўтмай, улардан личинкалар чиқади. Бу даврда шоли экилиб, ёш ниҳоллар пайдо бўлган пайт бўлади. Тирик қолган личинкалар озиклана бошлайди. Бу, кўпинча май ойининг иккинчи 10 кунлиги – июн ойининг биринчи 10 кунлигига тўғри келиб, уларга қарши кураш ўтказишнинг энг самарали даври бўлиб ҳисобланади.

Ривожланиб бўлиб, вояга етган зотлар июн ойида урчиб, тухум кўйишга киришади. Олиб борилган кузатишлар шуни кўрсатдики, ниҳоллар униб чиқиш давларида қалқонли қисқичбақа ўсимликларга катта зарар етказиши мумкин. Зараркунанданинг иқтисодий зарар миқдор мезонини (ИЗММ) аниқлаш мақсадида, уруғлар экилгандан сўнг, тадқиқотлар олиб борилаётган майдонларда фенологик кузатув ишлари ўтказилди. Бунда қалқонли қисқичбақанинг маълум зичлигига эришиш мақсадида ҳам 1 м<sup>2</sup> га 5, 10, 15 ҳамда 20 дона ҳисобида зот кўйиб юборилиб, шопини униб чиқиш даврида ўсимликларга етказган зарар даражаси аниқланди. Бунда шопининг “Мустақиллик” навининг назорат вариантыда ўсимликлар зараркунандасиз бўлиб, ҳар 1 м<sup>2</sup> да 5 дона қисқичбақа бўлганида, 10,3% кўчат нобуд бўлди. Ҳар 1 м<sup>2</sup> да 10; 15 та ҳамда 20 та қисқичбақа бўлган вариантларда шоли уруғлари 75,6; 67,5 ва 60,5% униб чиқиб, зараркунанда таъсирида 18,4; 23,8 ҳамда 30,8% ниҳоллар нобуд бўлганлиги аниқланди. Бу, албатта, шоли ҳосилдорлигига ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Тадқиқотда назорат вариантдан 68,8 ц/га ҳосил олинган бўлса, ҳар 1 м<sup>2</sup> майдонда 5–15 дона қисқичбақа бўлган вариантларда ҳосилдорлик 10,3 фоиздан 30,8 фоизгача ёки ҳосил 7,1-21,2 центнергача камайганлиги аниқланди. Бу кўрсаткичлар “Искандар” навида ҳам кузатилди. Бу ерда ҳар м<sup>2</sup> майдонда зараркунанда зичлиги 5; 10; 15 ва 20 дона бўлганида, қисқичбақа 21,1 фоиздан 36,6 фоизгача зарар келтирди (3-жадвал). Олинган ҳосил эса, 13,3 центнердан 23,0 центнергача камайди. Тадқиқотлар натижасида қалқонли қисқичбақа шопипоя майдонининг ҳар бир квадрат метрда 5 тадан кўп бўлса, унга қарши албатта кимёвий кураш чоралари олиб бориш кераклиги маълум бўлди.

**Шоли экилган майдонларда қалқонли қисқичбақанинг зарар келтириш даражаси**

*Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани, ЎзШТИ 2009 йил*

№	Қалқонли қисқичбақанинг сони, м <sup>2</sup> дона	Уруғнинг униб чиқиши, %	Ҳосилдорлик		
			ц/га	Озайиши	
				ц/га	Назоратга нисбатан, %
“Мустақиллик” нави					
1.	Назорат(қалқонли қисқичбақа йўқ)	100	68,8	-	-
2.	5	88,1	61,7	-7,1	10,3
3.	10	75,6	56,1	-12,7	18,4
4.	15	67,5	52,3	-16,4	23,8
5.	20	60,5	47,6	-21,2	30,8
ЭКФ <sub>05</sub> - 2,2					
“Искандар” нави					
1.	Назорат (қалқонли қисқичбақа йўқ)	100	62,9	-	-
2.	5	79,8	49,6	-13,3	21,1
3.	10	70,0	45,7	-17,2	27,3
4.	15	64,2	42,0	-20,9	33,2
5.	20	61,8	40,0	-23,0	36,6

ЭКФ<sub>05</sub> - 1,7

Тажрибаларимизда шолининг ривожланиш даврида (найчалаш охири ва рўваклаш) зиён келтираётган пучгул трипсининг яшаш шароити, тарқалиш ареали ҳамда ривожланиши ўрганилди. Бу-ҳашаротлар (*Insecta*) синфига, трипслар (*Thysanoptera*) туркумига, (*Phloeothripidae*) оиласига ва *Haplothrips aculeatus* Fabr. турига мансубдир. Трипсининг шолига етказадиган зарари уни ўсимликларни қанчалик эрта зарарлай бошлаганлигига ҳамда зичлигига боғлиқ бўлади. Агарда зараркунанда ўсимликларга найчалаш – рўваклаш даврида тушса, ва унинг зичлиги ҳар 1 пояда 5 тагача бўлганда, шолининг “Мустақиллик” навида қуйидаги зарар кўриш аломатлари кузатилди: рўвак сони назоратдаги ўсимликларга нисбатан 12,0 фоизга озайди, ҳосилдорлик эса ҳар гектар ҳисобига 8,7 ц/га (13,3%) оз тўпланди. Агарда трипсининг зичлиги 2 баробар ортса (ҳар 1 пояга 10 тадан), тегишли равишда: 15,1% ва 11,9 ц (18,2%) ни ташкил қилди. Шолининг ҳар иккала истиқболли навларига трипсининг етказган зарари кўрсаткичларида сезиларли фарқ кузатилмади, “Искандар” навида бир оз бардошлилик намоён бўлди.

Диссертациянинг «Шоли зараркунандаларига қарши синалган усуллар ҳамда кураш чоралари» деб номланган бешинчи бобида шолидаги зараркунандаларга қарши қўлланилган турли агротехник ва кимёвий кураш тадбирларини самарадорлиги келтирилган. “Шоли зараркунандаларига қарши агротехник чора-тадбирлар” деб номланган қисмида эса шолени қалқонли қисқичбақадан ҳимоя қилишдаги иккита асосий агротехник тадбирнинг

аҳамиятига баҳо берилган. Буларнинг бири–шоли экишга мўлжалланган ерни кузда шудгорлашда хайдаш чуқурлигига ўзгариш киритишдир. Бунда 17–20 сантиметрлик чуқурлик ўрнига чуқурроқ – 20–25 сантиметрликни жорий этиш; иккинчиси – “шоли-соя” алмашлаб экишда: 3 йил шоли – 1 йил соя эмас, балки 1 йил шоли – 1 йил соя экиш тизимини синаб кўриш эди. Тажрибада 1-вариант андоза (ерни 17–20 см. хайдаш) бўлиб, унда 1 м<sup>2</sup> майдонда қалқонли қисқичбақа 19 дона, тажриба варианты эса (ерни 20–25 см. хайдаш) қалқонли қисқичбақа 7,5 донани ташкил этди. Тажрибаларимизда андоза вариантыга нисбатан ерни чуқурроқ хайдаш ҳисобига қалқонли қисқичбақа сони 39,4 фоизга камайганлигини маълум бўлди.

Ерни алмашлаб экишда андоза 3 йил шоли – 1 йил соя олинган вариантда қалқонли қисқичбақа 35 донани ташкил этди. Тажриба варианты сифатида 1 йил шоли – 1 йил соя алмашлаб экилганида эса қалқонли қисқичбақанинг сони 15 донани ташкил этиб, андозага нисбатан зараркунанданинг сони 42,8% ёки 20 донага озайганлиги кузатилди. Агар 1 йил шоли ўрнига 1 йил соя ўсимлиги экиладиган бўлса, қалқонли қисқичбақанинг сони кескин камайиши эвазига, шоли ҳосилдорлиги ҳам ошади.

Бешинчи бобнинг “Шоли уруғига уруғдориллагичлар билан ишлов бериш самарадорлиги” деб номланган қисмида шоли уруғлари асосан яхши системалик (ўсимлик ичига сингиб таъсир қилиш) қобилятига эга имидок-лоприд номли соф моддага эга Далучо (галучо), 70% н.кук. инсектициди билан дорилаб экилди. Назорат вариантыда шоли уруғларига ишлов берилмади. Барча вариантлар бир хил агротехника шароитида экиб ўстирилди. Бунда ниҳоллар униб чиққанидан сўнг еттинчи куни экиннинг ҳар 1 м<sup>2</sup> ерида ўртача 17 та қалқонли қисқичбақа мавжудлиги, ўн тўртинчи кун эса – 10,5 та қайд қилинди. Биологик самара 14-нчи кунга бориб 48,8 фоизни ташкил қилди. Инсектицидли аралашмани ҳар бир тонна шоли уруғига 5 кг сарф этилганида эса, мос равишда, зараркунанданинг сони 10,5 ва 4,8 дона бўлиб, биологик самарадорлик 76,6 фоизни ташкил қилди. Инсектицидли аралашмани ҳар бир тонна уруққа 7 килограммдан сарфланган вариантда эса, зараркунанданинг зичлиги еттинчи куни – 8,2 дона, 14-куни эса – 2,7 дона бўлиб, биологик самарадорлик 86,8 фоизни ташкил этди. Андоза вариантыда тегишли равишда, 16,0 ва 2,5 дона қисқичбақа аниқланиб, самарадорлик 87,8 фоизни ташкил этди. Шундай қилиб, шolini қалқонли қисқичбақадан ҳимоя қилиш учун экишга мўлжалланган уруғликни имидоклопридли инсектицид аралашмаси билан ҳар тонна уруғ учун 7 кг сарфлаб ишлов бериш энг яхши натижа беришини кўрсатди. Шолининг бошқа – “Искандар” навида ўтказган тажрибамизда ҳам шунга ўхшаш натижалар олинди. Бу ерда ҳам аралашма дори энг оз миқдорда (3 кг/т) сарфланган вариантда энг паст биологик самарадорликка эга бўлинди – 47,3%. Кўпроқ (5 кг/т) сарфланган иккинчи вариантда – 72,7% ва 7 кг/т вариантыда – 87,8%. Тажрибалар шуни кўрсатдики, зараркунандаларга қарши курашиш мақсадида уруғлик шolini дорилаб экишда уни бошқа навларга ҳам қўллаш мумкин.

Бешинчи бобнинг «Шоли зараркунандаларига қарши кимёвий курашнинг самарадорлиги» деб номланган қисмида шолининг униб чиқиш даврида

қалқонли қисқичбақага қарши қуйидаги инсектицидлар турли меъёрларда сешиб кўрилди:

1. Каратэ, 5 % эм.к. (лямбдацигалотрин)– 0,5–1,0–1,5 л/га,
2. Циперфос, 55% эм.к. (циперметрин+хлорпирифос)– 1,0–1,5–2,0 л/га,
3. Фуфанон, 57% эм.к. (малатион)(андоза) – 2,0 л/га.

Тадқиқот ишида “Мустақиллик” ва “Искандар” навларининг уруғидан униб чиққан ниҳолларни қалқонли қисқичбақадан химоя қилиш учун икки ҳил инсектицид (Каратэ ва Циперфос) турли меъёрларда синовдан ўтказилди. Ишлов моторли қўл аппарати ёрдамида ҳар гектарга 320 литр сув сарфи ҳисобидан ўтказилди. Энтомологик назоратлар дори сепишга қадар ва ундан кейин 14 кун мобайнида ўтказилди. Ишлов беришгача барча вариантларда қисқичбақанинг сони ҳар 1 м<sup>2</sup> да 15,0 тадан 18,2 тагача бўлса, кейинчалик улар аста – секин озая бошлади (назорат бўлакчасидан ташқари). Биологик самарадорлик ҳам оша бошлади. Охириги ҳисоб-китоб куни (14) деярли барча вариантларда юқори, қоникарли самара олингани маълум бўлди (90,8-94,8%) (4-жадвал).

#### 4-жадвал

### Қалқонли қисқичбақага қарши қўлланилган кимёвий воситаларнинг биологик самарадорлиги

Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани ЎЗШИТИ “Мустақиллик” нави 2009 й.

Вариантлар	Дорининг сарф-меъёри, л/га	Ўртача 1 м <sup>2</sup> даги қалқонли қисқичбақанинг сони, экз.					Самарадорлик, % кунларга:			
		Ишлов беришга қадар	Ишловдан кейинги, кунларда				1	3	7	14
			1	3	7	14				
Каратэ, 5% эм.к.	0,5	15,8	14,0	10,3	6,5	2,1	25,2	48,7	69,7	90,8
Каратэ, 5% эм.к.	1,0	17,3	14,7	10,2	6,0	2,0	21,8	51,4	74,6	92,1
Каратэ, 5% эм.к.	1,5	16,8	14,0	9,8	5,5	1,8	23,3	51,9	76,0	92,9
Циперфос, 55% эм.к.	1,0	17,0	14,6	10,2	5,5	1,7	21,0	50,5	76,3	92,4
Циперфос, 55% эм.к.	1,5	17,8	14,5	9,8	5,3	1,5	25,0	54,6	78,2	94,5
Циперфос, 55% эм.к.	2,0	16,7	13,5	9,5	5,0	1,3	25,6	53,1	78,0	94,8
Фуфанон, 57% эм.к. (андоза)	2,0	18,2	15,3	11,5	7,3	3,5	21,7	46,6	65,4	84,6
Назорат (ишловсиз)	-	15,0	16,3	18,2	20,5	22,8	-	-	-	-

Лекин, шунга қарамасдан, иқтисодиёт ва атроф–муҳитни химоясини назарда тутиб, амалиётга тавсия қилиш учун Каратэни – 0,5 л/га, Циперфосни – 1,0 л/га тавсия этдик.

Шолининг ривожланиш даврида катта зарар келтирувчи зараркунанда пучгул трипсидир. Унга қарши кураш тадбирларини олиб бориш мақсадида шолিপояларда фенологик кузатувлар олиб борилди ва синов тадқиқот ишлари давом эттирилди. Асосий препаратлар қилиб Каратэ, 5% эм.к. – 0,075–0,15 л/га, андоза сифатида эса Фуфанон, 57% эм.к. – 1,0 л/га инсектицидлари шолининг найчалаш охири ва рўваклаш даврида зиён келтирувчи пучгул трипсига қарши синовдан ўтказилди. Ишлов беришдан олдин назорат вариантыда шолининг «Мустақиллик» навида битта пояда пучгул трипсининг сони 6,0 донани, «Искандар» навида эса 12,0 донани ташкил этди. Тажрибада Каратэ – 0,15 л/га қўлланилган вариантда шолининг «Мустақиллик» навида битта пояда пучгул трипсининг сони 12,5 донани, «Искандар» навида эса 13,8 донани борлиги кузатилди. Пучгул трипсига қарши шолини ривожланиш (найчалаш даври охири ҳамда рўваклаш) давларида инсектицидларнинг муддат ва меъёрларини аниқлаш бўйича тажриба ўтказилди. Пучгул трипсига қарши шоли Каратэ билан (0,15 л/га) ишланганида, ўн тўртинчи кунга бориб юқори ва қонқарли даражада биологик самара олинди (91,4–92,1%).

Бешинчи бобнинг «Шоли зараркунандаларига қарши синалган усул ва воситаларнинг ҳосилдорликга таъсири» деб номланган қисмида шоли зараркунандаларига қарши-агротехник тадбирлардан бири – экинларни алмашлаб экиннинг андоза вариантыга нисбатан (3 йил шоли – 1 йил соя) ўзгартирилган (1 йил шоли – 1 йил соя) варианты синаб кўрилиб, куйидаги натижа олинди. Бир йил шоли+бир йил соя экилган вариантдан шолининг «Мустақиллик» навидан 60,3 центнер, назорат вариантыга нисбатан 4,4 центнер қўшимча ҳосил олинди. Шу схемада, аммо «Искандар» навидан ўртача 58,5 центнер, назоратга нисбатан 4,6 центнер қўшимча ҳосил олинди.

Шолининг «Мустақиллик» навини Далучо, 70% н.кук. (5 кг/т) уруғ-дорилагичи билан ишлов берилган вариантыда, гектаридан 65,3 центнер, назоратга нисбатан 10 ц/га қўшимча ҳосил олинди. Шу дори билан шолининг «Искандар» нави ишланиб экилганида эса, ҳар гектардан 63,3 ц, назоратга нисбатан 11,7 центнер кўп ҳосил олинди.

Шолининг «Мустақиллик» навида кимёвий воситаларни (Каратэ – 0,5 л/га, Циперфос – 1,0 л/га) қўллаш натижасида юқори (73,4–73,8 ц/га) ҳосил олинди. Бу назоратдан 20,7–21,1 ц/га кўпдир. Шолининг «Искандар» навида эса кимёвий воситаларни қўллаш натижасида ҳар гектардан 68,8–70,7 центнер ҳосил олишга эришилди. Бу назоратдан 15,5–18,0 ц га кўп.

Бешинчи бобнинг «Тадқиқот натижаларини амалиётда қўллаш» деб номланган қисмида тажриба натижалари амалиётда Тошкент вилоятининг Қуйичирчиқ туманидаги «Алфа Инвест» фермер хўжалиги, «Виктория инвест» фермер хўжалиги, «Арена инвест» фермер хўжалиги ҳамда Бекобод туманидаги «Қўшбоқ-ота» фермер хўжалиги, «Қувват-Тожиқул» фермер хўжалигида кенг қўлланилиб юқори натижаларга эришилди. Жумладан Қуйичирчиқ туманидаги шолчилик фермер хўжаликларида қўлланилган Каратэ (0,5 л/га) нинг самарадорлиги 90,5–91,0 фоизни, Циперфос (1,0 л/га) воситасининг самарадорлиги эса 92,8–93,7 фоизни ташкил этди.

Бекобод туманидаги шолчилик фермер хўжаликларида қўлланилган Каратэ (0,5 л/га) кимёвий воситасининг самарадорлиги 88,6–91,9 % ни, Циперфос энг моил сарф-меъёрида (1,0 л/га) биологик самарадорлик 91,5–93,2 % бўлди. Олинган натижаларни амалиётга қўллаш натижасида Ўртачирчиқ туманида олиб борилган амалий тажрибада Каратэ (0,5 л/га) шолининг «Мустақиллик» навида ижобий натижа кўрсатиб, ҳар гектардан 68,4 центнер ҳосил тўплаб, назорат вариантыга нисбатан 14,7 центнер қўшимча ҳосил олинди. Шолининг «Искандар» навида Циперфос (1,5 л/га) қўллаб ўсимликларни самарали ҳимоя қилиб, ҳар гектардан 66,0 центнер ҳосил олишни таъминлади. Бу назорат вариантыга нисбатан 13,6 центнерга юқоридир.

Тошкент вилояти Қуйичирчиқ тумани шолчилик фермер хўжаликларида Циперфос (1,0 л/га) инсектициди шолени зараркунандалардан самарали ҳимоя қилиб, ҳар гектардан ўртача 65,9–67,6 центнер ҳосил олишни таъминлади. Бу назоратдан 17,0–18,0 центнерга ошиқдир. Шоли зараркунандаларига қарши Каратэ (0,5 л/га) қўллаш эса, ҳар гектарда юқори (65,9 – 68,9ц) ҳосил тўплаб, назоратга нисбатан 16,3 – 16,4 центнерга ошиқлигини кўрсатди.

## ХУЛОСАЛАР

1. Шоли ўсимлигига мавсум мобайнида зарар етказадиган бўғиноёқли ҳайвонларнинг 10 та тури аниқланиб, улар 2-синф, 7– туркум ва 8 оилага мансуб эканлиги қайд этилди. Шолининг майсаларига асосан қалқонли қисқичбақа – *Apus concriformis* Sh., поя ва баргларига пучгул трипси – *Haplotrips aculeatus* Fabr. зарар етказди.

2. Қалқонли қисқичбақа бўғиноёқли зараркунандаларнинг (*Arthropoda*) қисқичбақалар (*Crustacea*) синфига, *Apedeae* оиласига оиддир. У бир йилда 1 марта кўпаяди. Шолига зарар етказадиган шакли личинкалик даври бўлиб, улар узоқ муддат тупроқ орасида диапауза даврини ўтаб қишлаб чиққан тухумлардан пайдо бўлади ва тирик қолганлари ривожланишни бошлайди. Бу май ойининг иккинчи 10-кунлиги-июннинг биринчи 10-кунлигига тўғри келади.

3. Пучгул трипси – *Haplotrips aculeatus* Fabr. ҳашаротлар (*Insecta*) синфининг хошияқанотлилар ёки трипслар (*Thysanoptera*) туркумига оид ҳашарот. Бу санчиб-сўрувчи ҳашарот етук зот шаклида ўсимлик қолдиклари остида қишлаб чиқиб, баҳорда ҳаво ҳарорати +10°C дан ошиши билан ривожлана бошлайди ва шоли ниҳолларига ва сўнги авлодлари – поя, барг ва бошоқни сўриб зарар етказди. Мавсумда 10-15 та авлод беради. Трипсга қарши фаол кураш майдонда 5% дан ортиқ поялар зарарланган бўлиб, ҳар бирида 17–20 та ва ундан кўп зот аниқланганида (ИЗММ) ўтказилади.

4. Табиатда шоли зараркунандаларининг кўплаб табиий кушандалари мавжуд. Буларнинг кўпчилиги йиртқич ҳашаротлардир. Булар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: ниначилар (*Odonatoptera* ёки *Odonata*) туркумига мансуб, тўрқанотлилар (*Neuroptera*) туркумидан олтинкўзлар (*Chrysopidae* оиласи), бешиктебратарлар (*Manteoptera* ёки *Mantodae* туркуми) қаттиқ қанотли ҳашаротлар (*Coleoptera*) туркумидаги ҳонқизи (*Coccinellidae*)

оиласининг намуналари, пардақанотли ҳашаротлар (*Hymenoptera*) туркумининг чумолилар (*Formicoidea*) тўнғич оила намуналари ва бошқалар. Энтомофаглар зараркунандалар зичлигини пасайтириб турсада, уларнинг зарарини тўлиқ олдини ола олмайди.

5. Шоли зараркунандаларининг зичлиги юқори бўлмай туриб, унинг олдини олиш учун экин алмаштириб экиш тизимининг афзал эканлиги аниқланди. Бу олдинги: 3 йил шоли – 1 йил соя тизими ўрнига 1 йил шоли – 1 йил соя тизимидир. Шу тизимда ўстирилган шолининг «Искандар» ва «Мустақиллик» навлари ҳар 1 гектаридан 58,5 – 60,3 центнердан шоли олиниб, назоратга нисбатан 4,4–4,6 ц қўшимча ҳосил тўпланди.

6. Шоли зараркунандаларига қарши уруғни системали инсектицид – Далучо, 70% н.кук. билан дорилаб (5 кг/т) экиш энг мақбул ва самарали эканлигини кўрсатди. Бунда турли нав шолининг ҳар гектаридан ўртача 63,3–65,3 ц, назоратдан 11,7 ц/га кўп ҳосил олинди, ҳимоя учун сарфланган ҳар 1 сўм эвазига 3,71 сўмлик қўшимча ҳосил олинди.

7. Шолида қалқонли қисқичбақага қарши фаол курашиш учун Каратэ (0,5 л/га) ва Циперфос (1,0 л/га) ишлатганда юқори самарага эга бўлинди. 14-нчи кунга бориб, мос ҳолда 92,2 – 93,4%, 90,0– 91,3 % биологик самара олинди. Инсектицидлар сув оқими тўхтатилган полларга ўсимлик ниҳоллик даврида пуркалди. Шолининг «Мустақиллик» навида инсектицидлар ёрдамида ҳимояланган даладан юқори ҳосил (73,4–73,8 ц/га) олиниб, назоратга нисбатан 20,7-21,1 центнер қўшимча ҳосил олинди. Айни шу инсектицидлар ёрдамида ҳимояланган «Искандар» нави экилган даланинг ҳар 1 гектаридан 68,8-70,7 центнер ҳосил олиниб, назоратдан 15,5-18,0 центнерга кўп бўлди. Сарфланган ҳар 1 сўм эвазига 3,74–4,0 сўмлик қўшимча ҳосил олинди.

8. Қалқонли қисқичбақага қарши муваффақиятли синовлардан ўтган инсектицидлар 2016-2017 йиллари амалий тажриба синовларидан ҳам ўтди. Булар қуйидаги шолчилик хўжаликларидир:

8.1. Қуйичирчик туманидаги шолчилик фермер хўжаликларида: Циперфос ишлатилган жойдан назоратга нисбатан 17–18 центнер қўшимча ҳосил олинди; Каратэ қўлланилган майдондан 16,3 – 16,4 центнер (турли навлардан) қўшимча ҳосил олинди. Шу каби натижалар Бекобод туманидаги Қувват-Тожикул фермер хўжаликларида ҳам олинди.

8.2. Қуйичирчик туманидаги «Алфа агро инвест» фермер хўжалигида Каратэ (0,5 л/га) қўлланилган «Мустақиллик» навидан 68,9 ц/га ҳосил олиниб, уни ҳимоя қилишга 260 406 сўм маблағ сарфланди. Назоратга нисбатан олинган фойда 1 543 594 сўмни ташкил қилди. «Виктория инвест» фермер хўжалиги далаларида ҳам Каратэ (0,5 л/га) қўлланилган вариантда «Искандар» навининг ҳар гектаридан 65,9 центнердан ҳосил олиниб, уни ҳимоя қилишга 253 605 сўм маблағ сарфланди. Бекобод туманидаги «Қувват-Тожикул» фермер хўжалигида Циперфос (1,0 л/га) қўлланилган даланинг ҳар гектаридан 66,2 центнер ҳосил олинди. Бунда назорат вариантыга нисбатан 15,0 центнер қўшимча ҳосил олишга эришилди ҳамда гектаридан 1 382 719 сўм фойда олинди.

9. Шолининг «Искандар» ҳамда «Мустақиллик» навида пучгул трипсига қарши Каратэ, инсектицидини гектарига 0,15 литр ҳисобида қўлланилганда, 14 кунига бориб 91,4–92,1% биологик самарадорликка эришилди.

10. Шолини соя билан алмашлаб экиш 1 йил шоли-1 йил соя экиш тавсия этилади.

11. Шолининг уруғини экишдан аввал Далучо 70% н.кук уруғдориллагичи билан 1 тонна уруққа 5 кг дори +15 литр сув дорилаб экиш тавсия этилади.

12. Шолининг униб чиқиш даврида катта зарар келтирувчи қалқонли қисқичбақага қарши кимёвий воситалардан: Циперфос, 55% эм.к. (1,0 л/га) ёки Каратэ, 5% эм.к. (0,5 л/га) ишлатиш юқори биологик ва иқтисодий самара берди.

13. Шолини найчалаш охири ва рўваклаш даврида 5 фоиздан ошиқ ўсимлик пучгул трипси билан зарарланса, уни химоя қилиш учун (июл–август) Каратэ (0,15 л/га) ишлатилса, юқори самарага эга бўлинади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ И АНДИЖАНСКОМ  
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**НАУЧНО–ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ЗЕРНА И  
ЗЕРНОБОБОВЫХ КУЛЬТУР  
ТАШКЕНТСКАЯ НАУЧНО-ОПЫТНАЯ СТАНЦИЯ РИСА, ЗЕРНОВЫХ  
И БОБОВЫХ КУЛЬТУР**

**ОТАМИРЗАЕВ НОДИРБЕК ГОФУРЖОНОВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОВ БОРЬБЫ ПРОТИВ ОСНОВНЫХ  
ВРЕДИТЕЛЕЙ ПОСЕВОВ РИСА**

**06.01.09 – Защита растений**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОР ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2018**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.1.PhD/Qx53.**

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте зерно и зернобобовых культур, Ташкентской научно-исследовательской станции риса, зерно и зернобобовых культур.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.agra.uz](http://www.agra.uz)) и информационно-образовательном портале «Ziynet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** **Махмудходжаев Нажмиддин Мавляноходжаевич**  
доктор биологических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Ходжаев Шамил Турсунович**  
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

**Нурмухамедов Дилмурод Набиевич**  
кандидат биологических наук, доцент

**Ведущая организация:** **Научно-исследовательский институт растениеводства**

Защита диссертации состоится «31» мая 2018 года в 13<sup>00</sup> на заседании научного совета DSc.27.06.2017.Qx.13.01 при Ташкентском государственном аграрном университете и Андижанском сельскохозяйственном институте (Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская, дом 2., Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz). Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1 этаж, конференц-зал.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована под номером 535225) Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (99871) 260-50-43.

Автореферат диссертации разослан «18» мая 2018 года.  
(протокол рассылки № 20 от «5» мая 2018 года).

**Б.А. Сулайманов**

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.б.н., академик.

**Я.Х. Юлдашов**

Учёный секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, к.с.х.н., доцент.

**М.М. Адиллов**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.с.х.н.

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Рис является одной из важных продовольственных культур в мире, по площади посева занимает второе место, а по урожайности среди зерновых культур – первое место. По данным ФАО<sup>1</sup> общее количество произведённого риса в мире в 2016 году составили 751,9 млн. т. В частности, в Азии – всего 680,1 млн. т, в том числе в Китае – 208,5 млн. т, в Индии – 163,3 млн. т, в Индонезии – 72,7 млн. т, в Бангладеш – 52,6 млн. т, во Вьетнаме – 43,6 млн. т, в Таиланде – 32,6 млн. т, в Японии – 10,7 млн. т, в Шри-Ланке – 44 млн. тонн и др. Ежегодно в нашей республике рис высевают на площади 75-85 тыс. га, а валовой урожай составляет 320-325 тыс. тонн.

В результате принятых сегодня мер по развитию сельскохозяйственного сектора, учёные ведущих стран мира по выращиванию риса, такие как Китай, Индия, Вьетнам, Индонезия, Япония и Корея проводят научные исследования по таким приоритетным направлениям, как повышение производительности и улучшение качества зерна, определению видового состава, биоэкологических свойств, выявлению степени ущерба вредителей риса и создание перспективных методов борьбы с ними. Но на сегодняшний день разработка интегрированных методов по предотвращению ущерба вредным организмам является актуальной проблемой.

